Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: B02772447456

# YURIDIK XULOSA
## №JO52768760

**«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida**

**2022-yil 14-yanvar** **Namangan sh.**

Namangan shahar moliya bo'limi hamda "NAMANGAN ISTIQLOL BOG'I" MCHJ o'rtasida tabiiy siqilgan gaz manbasini yetkazib berish yuzasidan umumiy bahosi **2 million 699 ming 200 so'm** bo'lgan **shartnoma loyihasi** amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi tekshirildi va quyidagilar aniqlandi, jumladan:

mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar **O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»** gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi;

shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 10-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 354-moddasi talablariga mos keladi;

taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi belgilangan.

Shartnoma taraflari o'rtasida tabiiy siqilgan gaz manbasini yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining O'RQ-684-sonli **"Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonuni**, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-son qarori bilan ishlab chiqilgan **"Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxati"**ga asosan, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish davlat inspeksiyasi, O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligining, O'zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligining 23.01.2010 yilda ro'yxatdan o'tgan 2072-sonli qaroriga asosan ishlab chiqilgan **"Ruxsatnomalar, tarqatish vedomostlari va limit kitobchalari bo'yicha avtotransport vositalariga yonilg'i quyish uchun neft mahsulotlari, suyultirilgan va siqilgan tabiiy gazni berish qoidalari"** talablariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagi o'rganishlarga asosan,

## XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasi qonunchilik talablari doirasida tuzilgan hamda taraflar shartnomani tegishli tartibda rasmiylashtirishlari mumkinligi tavsiya etiladi.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **S.Mamatov**

**2022-yil 14-yanvar**

**JO52768760**

**Автотранспорт воситаларига сиқилган газ тўлдириш бўйича**

Ш А Р Т Н О М А № 14

Наманган шаҳар «14» январь 2022 йил

Шартнома тузиб имзо чекувчилар биринчи томондан ушбу шартноманинг қуйи бандларида «Таъминотчи» деб юритилувчи «METAN GAZ STANDART OIL SERVIS» масъулияти чекланган жамият номидан директор Валиев Зиёдулло Холтураевич ва иккинчи томондан ушбу шартномани қуйи бандларида «Истеъмолчи» деб юритилувчи «Наманган шаҳар молия бўлими» ташкилот номидан раҳбар З.Мўминов, туздик ушбу шартномани қуйидаги мазмунда;

**Шартнома мазмуни.**

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» томонидан такдим этилган рўйхат асосида унга тегишли автотранспорт воситаларига АГТКШ орқали сиқилган газ тўлдириш хизматини кўрсатишни амалга оширади.

1.2.«Истеъмолчи» эса автотранспорт воситаларига етказиб бериладиган сиқилган газ учун олдиндан 100% тўловни амалга ошириш ва тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»га маҳсулотни етказиб бериш хизматини, ўзига қарашли «Автомобилларга газ тўлдириш шахобчаси» орқали амалга оширади.

1.4.Маҳсулот етказиб бериш «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» томонидан тасдиқланган ЁММ тарқатиш қайдномаси асосида амалга оширилади.

**Тўлов шартлари**

| № | Товар моддий бойликлар, хизмат | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи ҚҚС билан | Жами суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Автотранспорт воситаларига сиқилган газ тўлдириш | м$^3$ | 2 699 200 | - | 2 699 200 |
| | **Жами** | м$^3$ | 2 699 200 | - | 2 699 200 |

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 2 699 200 сўм (ҚҚС билан)ни ташкил этади.

2.2. Сиқилган газнинг сотиш қиймати м$^3$ ҳисобида белгиланиб, табиий газ таннархи ўзгарганда «Таъминотчи» томонидан қайта тузилган нархнома асосида бир томонлама ўзгартириши мумкин. Нарх ўзгарганлиги тўғрисида томонлар ушбу шартномага илова тариқасида келишув баённомаси тузадилар. Ушбу баённома етказиб бериш қийматини ўзгарганлиги ҳақида асос бўлади.

2.3. Ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан 100% пул ўтказиш йўли билан бажарилади.

2.4. Автотранспорт воситаларига етказиб берилган сиқилган газ тасдиқланган тарқатиш варақаси бўйича ҳисоб-фактура орқали расмийлаштирилади ва ҳисобот ойининг кейинги ой боши 3 санасига қадар ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

## Томонларнинг мажбуриятлари.

3.1. «Истеъмолчи» автомобилларни техника холатига, техника-хавфсизлигига, автомобилга ўрнатилган газ жихозларига тўла жавобгар хисобланади.
3.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга жавобгар:
- Сиқилган газ билан баллонларни тўлдириш тартиб қоидаларга, техник шартларга, автомобилларга ўрнатилган газ жихозларининг созлигига;
- Автомобил техник холатига, автомобилга тегишли хужжатларни тўлиқлиги;
- Йул варақасига, бириктирилган хайдовчиларни хужжатлар бўйича мос келиши, тўлдирилган газ миқдори сонини қайдномага ёзиб имзо қуйиш.
3.3. «Таъминотчи» қуйидагиларни, яъни;
- Автомобилларга ўрнатилган сиқилган газ жихозларини, ўлчов асбобларини муддати уларни актларини назорат қилиш;
- Истеъмолчининг хоҳишига кўра шартномада келтирилган миқдорда сиқилган газ маҳсулотини ўз вақтида берилишини таъминлаш;
- Сиқилган газ билан баллонларни тўлдириш тартиб қоидаларга, техник шартларга;
- Ҳайдовчининг автомобилларга ўрнатилган сиқилган газ билан ишлашига рухсат берилган гувохномасини текшириш хуқуқига эга.

## Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

4.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (Таъминотчи) сотиб олувчига (Истеъмолчи) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
4.2 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (Истеъмолчи) Таъминотчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур шартнома юзасидан келишмовчиликлар келиб чиққан ҳолларда томонлар ўзаро маслаҳатлашув йўли билан ҳал этилади.
5.2. Агарда тарафлар ўзаро келиша олинмаган холатларда низо белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

## Форс-мажор

5.1. Башарти, томонлардан бири ўз зиммасиги олган мажбуриятни енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар

натижасида бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда жавобгарликга тортилмайди.

**Шартнома муддати.**

6.1. Шартнома икки нусхадан иборат бўлиб бир нусхаси «Таъминотчи» ва иккинчи нусхаси «Истеъмолчи» корхонада сақланади.

6.2. Шартнома икки томонлама имзоланиб Ғазначилик ташкилоти рўйхатидан ўтказилгандан сўнг кучга кириб «31» декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

**Томонларнинг реквизитлари ва манзиллари**

**«ТАЪМИНОТЧИ»**
**«METAN GAZ STANDART OIL SERVIS»**
масъулияти чекланган жамият.
Жорий Х/Р: 20208000904985097001
Инфинбанк Наманган МФО: 01113
ИНН: 302335815 ОКОНХ: 71211
Манзил:Наманган шахар И.Каримов номли кўча Тел: 998 90 222 40 20

Директор :________З.Х.Валиев.

Ҳуқуқшунос:________________

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**
«Наманган шаҳар молия бўлими»

Манзил: Наманган шахар Ибрат кўча 6 уй.
х.р:________________________
ш.х.р: 100022860144017011312092007
МФО: 00014 СТИР: 200056336
ОКЭД:________
ККС коди:____________________

Раҳбар:________________З.Мўминов
____________________________________